

## Шуайб алайҳиссаломнинг дуолари



07:45 / 20.03.2019 3020

*Қуръонда пайғамбарлар дуолари*

*(давоми)*

**«Ва Мадянга ўз биродарлари Шуайбни (юбордик). У: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг. Сизга Ундан ўзга илоҳ йўқ. Батаҳқиқ, сизга Роббингиздан ҳужжат келди. Бас, ўлчов ва тарозуни тўлиқ адо этинг, одамларнинг нарсаларидан камайтириб қолманг ва ер юзида унинг ислоҳидан кейин буғзунчилик қилманг. Агар мўмин бўлсангиз, шундай қилмоғингиз ўзингиз учун яхшидир» (деди)» (Аъроф, 85-оят).**

Мадян халқининг Шуайб алайҳиссаломга жавоби Нух ва Лут алайҳиссалом қавмларининг жавобидан фарқ қилмасди. Шуайб алайҳиссаломнинг насиҳатларини қабул қилмаган қавм, уни ва иймон келтирган бошқа

кишиларни қувғин қиламиз, деб таҳдид солишди.

**«Унинг қавмидан бўлган мутакаббир зодагонлар: «Эй Шуайб, ёки, албатта, сени ва сен билан бирга иймон келтирганларни ўз қишлоғимиздан чиқарамиз ёки ўз миллатимизга қайтасизлар», дедилар. У: «Гарчи ёмон кўрувчи бўлсак ҳам-а?!» деди»** (Аъроф, 88-оят).

Шуайб алайҳиссалом эса қавмининг итоатсизлиги ва таҳдидларига қарши шундай дедилар:

«Агар сизнинг миллатингизга Аллоҳ бизга ундан нажот бергандан сўнг қайтсак, батаҳқиқ, Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган бўламиз. Биз учун унга қайтиш мутлақо мумкин эмас, магар Роббимиз – Аллоҳ хоҳласагина (мумкин). Роббимиз ҳамма нарсани ўз илми ила қамраб олгандир», дедилар ва шундай илтижо қилдилар:

**«Аллоҳга таваккал қилдик. Эй Роббимиз, биз билан қавмимизнинг орамизни ҳақ ила очгин. Сен очувчиларнинг яхшисидирсан»** (Аъроф, 89-оят).

Шуайб алайҳиссаломнинг сўзлари заррача таъсир қилмаган мутакаббир зодагонлар:

**«...Агар Шуайбга эргашсангиз, у ҳолда, албатта, зиён кўрувчидирсиз, дедилар»** (Аъроф, 90-оят).

Кейин Лут ва Нух алайҳиссаломлар қавмининг бошига тушган нарсалар Мадян халқига ҳам келди. Шуайб алайҳиссаломнинг қабул бўлган ва Аллоҳнинг элчисини тан олмаган қавм ҳалок этилди:

**«Бас, уларни шиддатли зилзила олди ва жойларида ўтириб қолдилар. Шуайбни ёлғонга чиқарганлар, худди у ерда яшамагандек бўлдилар. Шуайбни ёлғончига чиқарганлар, ўшалар зиён кўрувчилар бўлдилар»** (Аъроф, 91–92-оятлар).

(давоми бор)

**«Қуръони каримга кўра дуо» китобидан**